

► Ҳоким кубоги учун

## Энг ғолиб жамоа

Қизлар минифутбол бўйича беллашдилар



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 мартда эълон қилинган 5 ташаббуснинг иккинчи йўналиши яъни ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасидаги қобилиятларини намён қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш бора-сида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Соғлом турмуш тарзига амал қилиш кенг тарғиб қилинаётир. Яқинда қизлар жамоалари спортнинг мини футбол тури бўйича ўз маҳоратла-

рини синаб кўрдилар.

Ҳоким кубоги учун кечган мусобақада тумандаги умумтаълим мактабларидан 16 жамоа иштирок этди. Бўстон МФЙ ҳудудидаги 67- умумтаълим мактабининг Янгибой Курдошев мураббий бўлган мини футбол жамоаси "Энг ғолиб жамоа" деб топилди ва туман ҳокимлиги томонидан 3000000 сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, 2-ўринни эгаллаган 3-умумтаълим мактаби,

3-ўринга лойиқ деб топилган 37- умумтаълим мактаби жамоалари ҳам пул мукофотлари соҳиби бўлдилар.

Шунингдек, "Энг чаққон ўйинчи", "Маҳоратли дарвозабон" номинациялари бўйича ҳам ғолиблар аниқланди ва Дипломлар топширилди. 16-умумтаълим мактаби жамоасига эса эсдалик учун футбол тўплари совға қилинди. Эътибор, тақдирлаш ёшларнинг кайфиятини кўтарди.

Дилмурод ҚИРОНОВ.

Бу йил галланинг йили келди. Деҳқоннинг ҳалол меҳнати ўзини оқлади-омборлар донга тўлди. Туманимиздаги барча маҳалла фуқаролар йиғинларида кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар рўйхати шакллантирилиб, уларнинг ҳар бирига 200 килограмдан бугдой етказиб бериш режалаштирилди.

Айни кунларда секторлар кесимида ана шу хайрли тадбир амалга оширилмоқда.

## Деҳқонлар ҳиммати

эҳтиёжманд оилаларни қувонтирди

Туман ҳокими Ш.Негматов раҳбарлигидаги 1-сектор ҳудудида жойлашган Сўғот, Равот ва Тўпор МФЙга қарашли қишлоқларда истиқомат қилаётган 35 та эҳтиёжманд оилага "Булоқбоши пахтакори" фермер хўжалиги томонидан галла тарқатилди. Бўронхўжа, Каттақангли, Бешкапа, Азамат, Бойлата, Баҳрин МФЙда ҳам 55 та кам таъминланган оиланинг ҳар бири 200 килограмдан бугдой қабул қилиб олдилар. "Зофир Умиров" фермер хўжалиги деҳқонлари 3-сектор ҳудудидаги Йўғоттепа, Минглар, Шейхлар, Мопар ва Қоракўйли МФЙда истиқомат қилаётган 40 та кам таъминланган оилага

ёрдам кўрсатди.

-Ғамхўрлик ва эътибордан беҳад шод бўлдик, - дейди Равот қишлоғида истиқомат қилаётган эҳтиёжманд оила соҳиби Ҳасан Курбонов.- Далада унган ҳосилдан ёрдамга муҳтож оилаларга улуш ажратиш, уларнинг ҳолидан хабар олиш халқимизга хос азалий қадрият саналади. Қадриятларимизни қадрлаган ҳамюртларимиздан жуда миннатдоримиз.

Хайрли тадбир туманимиздаги барча секторларда давом этмоқда. Бундан саховатли деҳқонларнинг ўзлари ҳам мамнун.

С.МИРЗАЕВ,  
туман "Маҳалла"  
Кенгаши раисининг

► Аччиқ, аммо очиқ гап!

## Дўконга айланган бекатлар

Вилоят ҳокими Э.Турдимов яқинда бўлган видеоселектор йиғилишида жойлардаги бекатларнинг дўконларга айланиб кетаётганлиги ҳақида алоҳида тўхтади. Ташқарига турли хил ичимликлар тахлами ва бошқа сотувдаги маҳсулотлар қўйилиб, транспорт воситаларининг тўхташи, йўловчиларга халақит бераётганлигини қаттиқ танқид қилди.

Худди шундай тартибсизлик Иштixon шаҳри марказида ҳам учрайди. Кўп тармоқли марказий поликлиника рўпарасидаги бекат ҳам савдо дўконига айлантирилган. Транспорт воситалари, йўловчилар жуда серқатнов бўлган бу жойда савдо қилиш ҳар томонлама ноқулайликни юзага келтиради.

Тошкент-Бухоро магистрал йўлининг туман ҳудудида ҳам худди шундай бекатлар кун сайин кўпаймоқда. Азамат МФЙ Нуробод бекатида фаолият кўрсатаётган

дўкон-бекатда Жўрақулов Шерзод 2018 йилдан буён фаолият юритади. Дўкон йўлнинг қатнов қисмига жуда яқин жойлашган.

Азамат МФЙ, Азамат қишлоғи марказидаги дўкон - бекатда Мамадиев Давроннинг ўрнига ўғли, ҳали мактаб ўқувчиси бўлган Озодбек савдо қилаётган экан. Аввало тозалikka риоя этилмаган, кроватлар қўйилган, ён-атроф ифлос. Буни кўриб дўкон ётоқхона вазифасини ҳам ўтайди, шекилли...деб ўйладик.

Худди шу ҳудуддаги



Оқчўрағоси бекатини ҳам икки-уч марта кузатдик. Тўғри, кечаси ва кундузи савдо зўр. Бекатда транспорт воситалари жуда серқатнов, бири келиб бири кетади. Йўловчи, яъни кутувчилар учун эса ҳеч қандай шароит йўқ. Бу ер эса аслида бекат, лекин дўкон ўрнида фойда-

ланилмоқда деган фикрни исботлаб турибди.

Мана, шу йўналишнинг ўзида яна бир неча худди шундай бекат-дўконлар қурилиши давом этаётганлигини қандай изоҳлаш мумкин? Бизнингча, қўшнилари-дан "ранг олган"ларнинг мақсади ҳам бекат эмас

дўкон шекилли?!

Бугун ҳаёт ўзгача.Қаерга қараманг улкан бунёдкорликнинг шоҳиди бўлишингиз тайин. Замонавий турур жой бинолари, дам олиш масканлари, мактаб, МТМ, қисқаси амалга оширилаётган ишлар замирида инсон манфаатлари кўзга ташланади. Жумладан, йўллар бора-сида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Яхши биламизки, бекатнинг 70 фоиз қисми йўловчи учун ажратилган бўлиши керак. Қолаверса, йўловчи бекатда ўзгача манзаранинг гувоҳи бўлиши бугуннинг талабидир. Фақат савдо, манфаатдорлик эмас элга нафи тегадиган хизматлар ҳақида ҳам ўйлаш вақти етди.

Гулчеҳра УСМОНОВА,  
Олим ҚўЧҚОРОВ,  
"Иштixon овози"  
муҳбирлари.



## Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли Фармони билан тасдиқланган "2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"- да амалга оширишга оид давлат Дастури"нинг 38-бандида Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепциясини ишлаб чиқиш юклатилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5655-сонли Фармонида асосан Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси 8-боб, 29- банддан иборат.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб юритилади) аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг мақсади, асосий вазифалари, босқичларини белгилайди.

Аҳолини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барча аҳолига тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил қилиш ва эълон қилишнинг ягона жараёнини ўз ичига олиб, аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланади ва у келгусида 10-30 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади. Худудларни ривожлантириш ва жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш бўйича сиёсий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумотларни олиш имконини беради. У аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш, шунингдек, аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, оилавий аҳволи, маълумоти даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари бўйича яқка тартибда ҳисобга олиш ва батафсил тавсифлашнинг универсал усулини ишга солган ҳолда расмий статистика тизимида асосий роль ўйнайди.

Аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш республика даражасида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида, туманлар ва шаҳарлар даражасида амалга оширилади.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг мақсади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яхлит ва ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирлик бўйича аниқ бир вақтда яшовчи шахсларнинг турли тавсифлари тўғрисида ҳалқаро таққослана оладиган ишончли, холис ва яхлит маълумотларни ягона статистик услублар асосида йиғиш ҳисобланади.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирининг асосий вазифалари:

Миллий барқарор ривожланиш

мақсадларини шакллантириш ва унинг амалга оширилиши устидан мониторинг ўтказиш;

Аҳолини рўйхатга олиш даврлари оралиғида аҳоли сони ва таркибининг жорий ҳисобини юритиш, аҳоли сонининг ҳисоби ва прогнозларини амалга ошириш учун статистик базани яратиш;

И ж - т и м о и й - иқтисодий жараёнлар ҳолати бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш;

Аҳоли таркибидаги глобал ўзгаришларни баҳолаш, демографик сиёсатни, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, аёллар ва болалар аҳолини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқариш учун ахборотлар базасини кенгайтириш;

Аҳоли пунктлари ва шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ва узоқ муддатли прогнозлар, дастурлар тайёрлаш ва индикатив режалаштиришдир.

Республика миқёсида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимлари иштирок этади, худудларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар статистика бўлимлари ходимлари жалб этилади.

Алоҳида даврларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қўлланмалар ва маълумотнома ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, аҳолини рўйхатга олишни молиявий ва моддий-техник таъминлашда ҳисоб-китобларни тайёрлаш учун қўшимча равишда шартнома асосида штатда бўлмаган юқори малакали мутахассислар вақтинчалик жалб этилади.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг алоҳида босқичларини, унинг материалларини қайта ишлаш ва натижаларини эълон қилишнинг тўлиқ даврини автоматлаштириш мақсадида, зарур бўлганда, ташқи пудратчини жалб эт-

ган ҳолда, миллий ва хорижий тажрибани инобатга олиб, энг янги технологик ечимлар базасида комплекс автоматлаштирилган ахборот тизими яратилиши кўзда тутилган.

Аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун кўзда тутилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

Аҳолини рўйхатга олиш якунлари босқичма-босқич шакллантирилади, шу жумладан: шаҳар ва қишлоқда рўйхатга олинган аҳоли (шу жумладан эркалар ва аёллар) сони бўйича дастлабки натижалар рўйхатга олувчи ходимлар томонидан тайёрланган йиғма рўйхатлар натижалари асосида шаҳар ва қишлоқ аҳолисига ажратилган ҳолда тузилади;

яқуний натижалар Аҳолини рўйхатга олиш натижаларини эълон қилиш дастурига асосан мавзули навбат бўйича бирламчи маълумотлар базасидан махсус график бўйича шакллантирилади;

қўшимча натижалар эълон қилинган маълумотлар миқдоридан ортиқ ҳажмдаги фойдаланувчиларнинг сўровлари бўйича (сўровлар келиб тушишига кўра) маълумотлар базаси асосида шакллантирилади.

Аҳолини рўйхатга олиш натижалари расмий босма мавзули нашрлар кўринишида, шунингдек, электрон манбаларда (Ўзбек, рус ва инглиз тилларида), фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун оммабоп нашрларда (рисолалар, пресс-релизлар, атласлар, тақдимот материалларида) эълон қилинади.

Қайта ишланган қоғоз кўринишидаги аҳолини рўйхатга олиш варақалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзархив" агентлиги томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда марказлашган тарзда сақланади.

Иштихон туман статистика бўлими.

*Работ маҳалла фуқаролар йиғинида "Миллий тикланиш" Демократик партияси туман Кенгаши ва "Оила" илмий-амалий маркази туман бўлими ҳамкорлигида бошланғич партия ташкилоти аъзолари ҳамда маҳалла фаоллари иштирокидаги йиғилиш бўлиб ўтди.*

## Фуқаролар ҳузурида



Унда аввало, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" Демократик партияси марказий Кенгаши раҳбари Муқимжон Қирғизбоевнинг "Сиёсий партия - фуқаролик жамияти институти" мавзuida оммавий ахборот воситаларига берган интервьюси тингланди. Партия туман Кенгаши ижрочи котиби Мадина Баҳодирова бу йил сиёсий партия фаоллари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Сўнгра "Оила" илмий амалий маркази туман бўлими раҳбари Нигора Турдиева сўзга чиқиб, марказ фаолиятининг мазмун-моҳияти, бугунги кунда туманда марказ томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Шу кун биз 7-Сўғот сайлов округида истиқомат қилувчи фуқароларнинг мурожаатларини ҳам тингладик. Улар ўз мурожаатларида ҳудуд йўлларини тартибга келтириш, электр узатиш тармоқларини янгилаш, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш каби долзарб масалаларни ўртага ташладилар. Ушбу масалаларни ҳал этиш бўйича бажариладиган ишлар режалаштириб олинди.

Тўлқин АЛИЕВ,  
7-Сўғот сайлов округидан  
туман Кенгаши депутати.

### \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \* ЭЪЛОН \*

#### ТУГАТИЛМОҚДА

Иштихон тумани давлат хизматлари марказида 2018 йил 14 октябрь куни реестр рақами 642941-сон билан рўйхатга олинган, фаолият юритмаган "SARDOR BEK PROGRES" хусусий корхонаси (СТИР 305803222) ихтиёрий тартибда тугатилмоқда.

Давволар икки ой муддатда Иштихон шаҳри, Ибн Сино кўчаси 1-уйда қабул қилинади.

\*\*\*

Иштихон тумани давлат хизматлари марказида 2019 йил 6 февраль куни реестр рақами 681802-сон билан рўйхатга олинган "DOKTOR ABDURAHMONOV" МЧЖ (СТИР 306099988) ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Давволар икки ой муддатда Иштихон тумани, Халқобод МФЙ, Бодай қишлоғида қабул қилинади.

\*\*\*

Иштихон тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциясида 2015 йил 8 апрель куни реестр рақами 3077-сон билан рўйхатга олинган, фаолият юритган "G'OLIBJON PARRANDALARI" оилавий корхонаси

(СТИР 303294470) ихтиёрий тартибда тугатилмоқда.

Давволар икки ой муддатда Иштихон тумани, Чимкўрғон қишлоғида қабул қилинади.

\*\*\*

Иштихон туман Ягона дарча марказида 2016 йил 12 ноябрь куни реестр рақами 4700-сон билан рўйхатга олинган, фаолият юритган "ZAMONDOSH TEXNOLOGIYALAR" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 304422326) ихтиёрий тартибда тугатилмоқда.

Давволар икки ой муддатда Иштихон шаҳар, Улғубек кўчаси 4-уйда қабул қилинади.

#### ДАВВОЛАР БЎЛСА...

Иштихон туман 1-сон давлат нотариал идорасида марҳум Мамадиева Маърифат Улашевнага (2018 йил 29 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.

Шу муносабат билан меросхўрларнинг (фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлари билан) Иштихон туман 1-сон давлат нотариал идорасига мурожаат қилишларини сўраймиз. Манзил: Иштихон шаҳри, Навоий кўчаси 1-уй.